



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШНИНГ РЕТРОСПЕКТИВ ТАҲЛИЛИ

Раджапова Лола Нуриддиновна

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, мустақил изланувчиси
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10443900>

ARTICLE INFO

Received: 23th December 2023

Accepted: 28th December 2023

Online: 30th December 2023

KEY WORDS

Ички ишлар органлари, ходимлар, ижтимоий ҳимоя, босқичлар, таъминот, ислохотлар.

ABSTRACT

Мазкур мақолада ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий ҳимоясининг ривожланиш тарихи ёритилган. Шу билан бирга, ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий ҳимоясининг мустақилликдан олдинги ҳолати баён қилинган. Бундан ташқари, ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий ҳимоясининг босқичма-босқич ривожланганлиги таҳлил қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида замонавий кўринишдаги ички ишлар органлари шонли ва зафарли йўлни босиб ўтиб, фуқароларнинг тинчлиги ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишда мислсиз жасорат кўрсатган.

Ўтган асрнинг 80-йиллари Ўзбекистон милицияси учун жуда қийин кечган. Яқин вақтларгача кўпчилик совет олимлари асосан Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинишининг ижобий томонларини бўрттириб кўрсатишга, унинг салбий томонлари ҳақида камроқ сўз юритишга ҳаракат қилиб келдилар. Одатда, бу ҳодисанинг ижобий оқибатлари ҳақида сўз борганда, биринчи навбатда Ўрта Осиё ҳудудида қулчиликка ва ўзаро феодал урушга барҳам берилгани кўрсатилад эди. Қўшиб олишнинг ижобий оқибатлари сифатида капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг Ўрта Осиёга кириб келиши, завод, фабрика, темирйўлнинг қурилиши, телефон-телеграф, босмаҳоналар, рус тузем мактаблари, турли хил илмий жамиятларнинг ташкил қилиниши, рўзномалар нашр этила бошланиши кабилар ҳақида гап борганда масалага ҳар томонлама ва ҳолисона баҳо бериш лозим. Бу тадбири чоралар, амалга оширилган ишлар нима мақсадда қилинганлиги, оқибат натижада кимлар учун хизмат қилганлигини назардан четда қолдирмаслик ҳам зарур[1].

Туркистон Республикаси милицияси Бош бошқармасининг бошлиғи томонидан 1920 йил 13 январда йўллаган хабарида “йиртиқ чопон ва кўпчилиги пошнаси бўлмаган этик кийган” милиция ходимлари оғир табиий шароитларда жанг олиб бораётганлари маълум қилинган. Милициянинг шахсий таркиби хизмат шароитининг оғирлигига қарамай мардлик ва фидойилик намуналарини кўрсатар эди. Кўплаб милиция бошлиқлари милиция ходимлари кийим ва пойабзал билан таъминланмаганликларини маълум қилар эдилар. Милиция ходимлари ниҳоятда оғир шароитда хизмат



қилардилар. “Уларнинг отлари озиб кетган ва дам олишга муҳтож. Қоровулхоналар мутлақо яроқсиз ҳолга келиб қолган эди”. Туркистон Республикаси Ички ишлар халқ комиссари милиция ходимларининг жанговар хизматларини кўп марта қайд этган эди[2].

Айниқса, уруш йилларида ички ишлар органлари фаолияти мураккаб, ниҳоятда машаққатли ва ўта оғир вазиятларда кечган. Милиция ходимлари фаол иштирок этиб, фашизм устидан қозонилган буюк Ғалабани таъминлашга муносиб ҳисса қўшганлар. Республика милициясининг кўплаб ходимлари урушнинг дастлабки кунлариданоқ кўнгилли равишда ҳаракатдаги армия сафига қўшилдилар. Шу билан бирга мамлакат ичкарасидаги вазифалари ҳам ниҳоятда кўпайди.

Уруш шароитида юзага келган иқтисодий муаммолар оқибатида ижтимоий муаммолар кескинлашиб, нафақат милиция ходимларининг ижтимоий аҳволи оғирлашган, балки Ўзбекистон аҳолисининг бир қатор маҳсулотларга эҳтиёжи ошиб кетган.

СССР ва Европа кўпгина мамлакатлари ҳукуматлари Ўзбекистон халқи ўғлонлари ва қизларининг жанговар ҳаракатлар фронтида кўрсатган мислсиз мардлик ва жасурлигини юқори баҳолаб, уларни юксак мукофотлар билан тақдирладилар. 120 минг ўзбекистонлик жангчилар орден ва медаллар билан мукофотланди. Ўзбекистонликлардан 280 киши “Қаҳрамон” унвонига сазовор бўлди, улардан 75 нафари ўзбек эди. Ҳамюртларимиздан бир неча минг киши Италия, Англия, Франция, Югославия, Польша, Венгрия ва бошқа мамлакатлар ордени билан мукофотландилар[3].

Республикада аста-секин болалар уйлари, мактаб-интернатлар, болалар боғчалари тармоғи кенгайтирилди. Улар биринчи навбатда кўчириб келтирилган болалар ва фронтга кетганларнинг фарзандларини қабул қилдилар. 1945 йилда 268 та болалар уйлари ташкил этилиб, 31300 та болани қамраб олган эди. Кўпгина оилалар етим болаларни ўз тарбиясига олганлиги (масалан, Тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов ва унинг турмуш ўртоғи Баҳри опа Ақромовалар 14 та болани, Каттақўрғонлик Ҳамид Самадов 12 та болани, Бухоролик Муаззам Жўраева 8 та болани тарбияга олган бўлиб, жами эвакуация қилинган 250 мингдан ортиқ болалар Ўзбекистонда оила қарамоғига олинган), ҳарбий хизматчилар ва уруш ногиронлари оилаларига жамоатчилик ёрдами ва ҳашар йўли билан ижтимоий ҳимоянинг кўрсатилганлиги уруш даври тарихида ўз аксини топган[4].

Урушдан кейинги дастлабки йилларда бир қанча объектив сабаблар милиция ишини қийинлаштирарди. Милиция ходимлари тасарруфида автомобиль транспорти ва мотоцикллар деярли йўқ эди. Қишлоқ жойларда милиция ходимлари отда юришар эди. Криминалистика техникаси мутлақо етишмас эди. 1950-1952 йилларда милицияни техника билан таъминлаш бирмунча яхшиланди, транспорт муаммоси ҳам маълум даражада ҳал этилди.

Милиция ходимлари фойдаланиши учун тергов чамадонлари, оператив сумкалар, фотоаппаратлар ва бошқа техникалар кела бошлади[5].

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва тараққиёти билан боғлиқ катта ўзгаришлар давлат ҳокимияти бошқарув воситаларининг муҳим таркибий қисми бўлган милицияда ҳам содир бўлди. Бу ўзгаришлар давлат воситасида милициянинг



ташкилий, ҳуқуқий ҳолатидагина акс этиб қолмай, унинг фаолияти, шакллари ва услубларида ҳам намоён бўлиб, милиция фаолияти мунтазам такомиллаша бошлаган.

XX асрнинг 80-йилларида қайта қуриш ва ошкоралик ички ишлар органлари фаолиятида ҳам муҳим ўрин эгаллади. КПСС Марказий Комитети 1986 йил 26 ноябрда “Социалистик қонунчиликни ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, гражданларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш чоралари ҳақида”ги, 1988 йил 2 февралдаги КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг “Милиция участка инспекторларини фаолиятини, уларнинг моддий таъминотини яхшилаш чоралари ҳақида”ги, СССР Министрлар Советининг 1990 йил 12 октябрдаги “Мамлакатда участка инспекторларини фаолиятини, уларнинг моддий таъминотини яхшилаш чоралари ҳақида”ги, СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советлари қабул қилган бир қатор қонунлар ички ишлар органлари зиммасига жиноятчилик, тартиббузарлик, миллий низолар ортиб бораётган бир шароитда муҳим вазифалар юклади[6].

Мураккаб жараёнда шаклланиб бораётган милицияда раҳбар кадрларни мунтазам равишда лавозимлари алмаштирилар эди, турли баҳоналар туфайли ҳуқуқ-тартибот ходимларини ишдан бўшатиш ҳоллари кўпайди, ходимларга нисбатан ижтимоий аҳволи салбий томонга ўзгара борганлиги туфайли ички ишлар органлари ходимлари орасида жиноятчилик илдиз ола бошлади[7].

Иттифоқ вазири Николай Анисимович Щёлковнинг қўллаб-қувватлаши натижасида вилоятларда милиция ходимлари учун янги бинолар қурилиб топширилган. Марказий аппаратда эса хизматчиларнинг эҳтиёжлари учун бино ҳовлисида саноат моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда сабзавот-мевалар билан савдо қилувчи махсус дўконлар очилиб, уларни Туркистон ҳарбий округининг военторг ҳарбий ташкилоти мунтазам равишда сифатли моллар ва маҳсулотлар билан таъминланиши йўлга қўйилди. Барча хизматчилар ўз хизмат ва ўрнини янада қадрлай бошлади. Иш сифати ҳам яхшиланиб борди. Вазирлик аппаратида ишлашни орзу қилган ходимларнинг сони кундан кунга ортиб борди.

Оғир шароитларда йиллар давомида истиқомат қилиб келаётган ички ишлар вазирлиги аппаратида ишловчи бир неча юз кишилик жамоага қулай уй-жой яратиб бериш вазифаси ҳам удаланди[8].

1964-1979 йилларда Ички ишлар вазири бўлган Ҳ.Яҳёевнинг ташаббуси билан Марказий поликлиника ва 200 ўринли беш қаватли госпитал қурилиб, фойдаланишга топширилган. СССР ички ишлар вазири Н.А.Щёлков бутун мамлакат, шу жумладан Ўзбекистон ССР милициясининг моддий-техник жиҳатдан янгилашга, ходимлар учун иқтисодий ва ижтимоий қулайликлар яратишда улкан ҳиссасини қўшган.

1990 йилларда барча соҳаларда босқичма босқич ислохотлар ўтказилгани каби ички ишлар идорасида ҳам ислохотлар ўтказилиб, унинг иккинчи ва учинчи босқичларида ички ишлар органларининг моддий техника базаси ва соҳавий хизматлар билан ҳамкорлиги такомиллаштирилди ҳамда ходимларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялашга эътибор қаратилди.



Собиқ Иттифоқ даврида 1990 йил 31 октябрда “Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни асос бўлиб хизмат қилиб келган[9].

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ҳам мамлакатимизга қўшни давлатларда содир бўлган нотинчликлар Ўзбекистон хавфсизлигига таҳдид солиб турар эди. Қўшни давлатлардаги можаролар натижасида қочоқларнинг Ўзбекистонга кўчиб ўтиш хавфи ортди. Шунинг учун мустақиллигимизнинг илк кунларидаёқ давлат чегараларини мустаҳкамлаш борасида Ички ишлар вазирлиги шахсий таркибига ғоят мушкул вазифалар юкланди. Жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, жамоат тартибини сақлаш, давлат чегарасидан ғайриқонуний равишда қурол-яроғ, гиёҳвандлик воситалари кириб келишига йўл қўймаслик, моддий бойликларимизни республика ташқарисига олиб чиқилишининг олдини олиш ва бошқа оғир вазифалар бажариб келинган[10].

Мамлакатимиз ички ва ташқи хавфсизлигининг таянчи, суянчи бўлган ички ишлар органлари ходимларимиз ҳозирги кунда тарихий анъанага содиқ бўлиб, халқ тинчлиги ва осойишталиги йўлида доимо шай ҳолда зиммаларига юклатилган вазифаларни бажаришлари ортидан жонларини ҳам фидо қилиб келишмоқда.

Профессор А.Азизхўжаев қайд этганидек, “ҳар бир мамлакат миллий давлатчилик анъаналарини сақлаб қололмаса, у чинакамига ўзига хос демократик давлат бўла олмайди. Миллий давлатчилик асосларимизни чуқур ва мукаммал татдиқ этиш эса, унинг учун зарур анъаналарини ҳаётга жорий қилиш бизнинг дозарб вазифамиздир”[11].

Тўғри фикр. Лекин Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.Каримов Олий Кенгаш 1992 йил 2 июл кунидаги сессиясида бир ҳақиқатни айтган эди: “Шўролар даври, нақ 74 йил изсиз йўқолди, деб ўйлаганлар хато қилади ва у даврда шаклланган муайян қадриятлар бор”[12].

Бинобарин ўша давр ренессансига тўхталадиган бўлсак, ҳозирги вақтдаги замонавий ички ишлар органларининг асослари, хизмат ўташни ташкил этиш, ўташ тартиби, ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий таъминоти кўп жиҳатдан XX аср иккинчи ярмидаги ислохотларга бориб тақалади. Масалан, ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий таъминотининг асосини белгилаб берадиган қонун-қоидаларнинг белгиланиши, пенсия ва пул таъминотининг замонавий асосларининг ишлаб чиқилиши, ходимларнинг соғлиғини муҳофазалаш тизимининг йўлга қўйилиши, таълим муассасалар ташкил этилиши шулар жумласидан.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, истиқлолдан сўнггина ички ишлар вазирлиги тизимидаги тарихий тажрибалар тикланиб, замон ва маконга мос янгидан – янги ислохотлар, ўзгаришлар жараёнлари билан ҳамоҳанг бойиди.

Мамлакатимизда истиқлолдан сўнгги илк йилларида бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос концепцияси ишлаб чиқилди. Кучли ижтимоий ҳимоя бешта асосий тамойиллардан бири сифатида белгиланиб, турли соҳа олимлари қайд этганидек, ногиронларга, нафақахўрларга, болали ва кам таъминланган оилаларга, ўқувчи ёшларга, қарияларга, яъни энг қийин аҳволга тушиб қолганларга ёрдам кўрсатиш бу тизимнинг асосий йўналиши бўлди[13]. Оилаларни фаол ижтимоий муҳофаза қилиш



чора-тадбирлари кўрилди. Улар орасида ички ишлар идоралари ходимларининг оилалари ҳам мавжуд эди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятини такомиллаштириш борасида "...Ҳуқуқий-демократик давлатни барпо этиш жараёнида ҳуқуқ органлари фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга", деб эътироф этди[14].

Шундан сўнг ички ишлар органларининг жинойтчиликка қарши кураш, республикада қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чораларни амалга ошириш ва бу идораларни малакали кадрлар билан жамлаш учун зарур моддий шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил май ойида "Ички ишлар органлари шахсий составининг пул таъминотини ошириш ҳақида" қарори эълон қилинди. Қарорга асосан Ички ишлар бўлимининг бошлиғи ойлик лавозим оклади 320-350сўм, унинг ўринбосари 300-330 сўм, катта терговчи 250-280 сўм, терговчи, оператив вакил, эксперт, инспектор 240-270 сўм, шунингдек лавозим ва махсус унвон бўйича окладлар жорий этилди[15].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 8 январдаги "Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларида хизмат ўташ ҳақидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, ички ишлар идоралари ходимларига махсус унвонлар бериш ва ундан маҳрум этиш, лавозимга тайинлаш, хизмат бўйича кўчириш ва кўтариш, аттестация, меҳнат таътили бериш, хизматдан бўшатиш ва бошқа қоидалар белгилаб берилди.

Ички ишлар тизимида аалга оширилган туб ислохотларнинг учинчи босқичида ИИВнинг вазирлик шахсий таркибини янги намунадаги кийим-бош (форма)га ўтказиш борасида 2001 йил 4 август куни фармойиши қабул қилинди. Мазкур босқичда ички ишлар органларининг моддий техника базаси ва соҳавий хизматлар билан ҳамкорлиги такомиллаштирилди ҳамда ходимларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий-ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилди[16].

Тўртинчи босқичида эса 2004 йил 4 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоялашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори қабул қилинди[17].

Ушбу Қарорга асосан 2005 йил 1 январдан эътиборан ички ишлар органлари ва тизимлари ходимларининг амалдаги махсус унвонлари бекор қилиниши ва янги унвонлар киритилиши ҳисобга олиниб, сафдорлар, сержантлар ва офицерлар таркибининг махсус унвонлари бўйича маош миқдорлари оширилди.

Юқоридаги Фармон ва қарорларнинг қабул қилиниши натижасида нафақат кадрлар масаласи, балки, ички ишлар органлари моддий-техник таъминоти яхшиланди. Ички ишлар органлари таъминоти ва зарур техник таъминоти ва зарур техник восита (хизмат кийимлари, компьютер техникаси, автотранспорт воситалари каби) лар етказиб бериш соҳасида ҳам ижобий ўзгаришлар кўзга ташланди.

Таъкидлаш жоизки, ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида ишлар дастлабки пайтларда идоравий мансублиги, вазибалар



қўлами, чора-тадбирлар мазмун-моҳиятига кўра турли-туман олиб борилган бўлса, 2017 йилда хизматни ўташга оид қонунчилик[18] такомиллашуви билан тизимли равишда ташкил этилди.

Ички ишлар органлари ходимлари ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари чоғида, айниқса уй-жой билан таъминлаш ижобий самаралар берди. Уларни турар жой билан таъминлаш ички ишлар вазирилиги билан маҳаллий ҳокимият органларининг мунтазам ҳамкорлиги йўлга қўйилди. Бундай ҳамкорлик натижаси ўлароқ биргина жорий йилнинг бошидан июнь ойига қадар 150 нафарга яқин ходимга тайёр ҳолда уй-жойлар топширилди. Шунингдек, яшаш шароитини яхшилаш ва уй-жойини таъмирлаш учун 80 нафардан ортиқ ходимга фойсиз қарз маблағлари ажратилди[19].

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев томонидан ҳам ички ишлар органлари ходимларининг фаолияти юксак баҳолаб, “Мустақиллик йилларида бутун мамлакатимиз қатори ички ишлар органлари ҳам ғоят шарафли ва масъулиятли йўлни босиб ўтди. Соҳа ходимларининг жамоат тартиби ва тинчлик-осойишталикни сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги фидокорона хизматини, айниқса уларнинг бугунги пандемия шароитида кўрсатаётган жонбозликларини халқимиз яхши англайди ва муносиб қадрлайди” дея эътироф этган эди.[20]

Ижтимоий тараққиётимизнинг айниқса кейинги йилларда очиқ инвестицион сиёсат ва эркин бозор муносабатлари механизмлари янада кенгроқ жорий қилинаётгани, молия тизимида юқори инфляция таргетлаш режимига ўтилаётган шароитида аҳоли кам таъминланган ёки ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифасини, шулар қаторида ички ишлар органлари ходимлари ва уларнинг оилаларига давлат йўли билан ёрдам беришни, уларнинг таъминоти билан боғлиқ масалаларни кучайтиришни кун тартибига қўяди.

Ўзбекистон ички ишлар органларининг ходимлари ҳамиша халққа хизмат қилиб келди ва бундан буён ҳам халқ манфаатларини садоқат билан ҳимоя қилаверади[21].

References:

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ички ишлар органлари ходимларига табриги// Халқ сўзи. 2020йил 25 октябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси – мустақил давлат. Масъул муҳаррир А.Саидов. –Т.: “Адолат”, 1995й. – 38 б.
3. Ўзбекистонда Жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш тарихи. Б.А.Матлюбов. Т.2021., Б.102.
4. Ўтганларни хотирлаш, кексаларни эъзозлаш бизнинг фарзандлик бурчимиздир. Масъул муҳаррир М.Қуронов. – Т.: Сано-стандарт нашриёти, 2015. – Б.19.
5. Ўтганларни хотирлаш, кексаларни эъзозлаш бизнинг фарзандлик бурчимиздир. Масъул муҳаррир М.Қуронов. – Т.: Сано-стандарт нашриёти, 2015. – Б.40.
6. Цит.по кн: Ф.Э.Держинский и органы внутренних дел. М.,1978, с.6; Хвичия П.Очерки истории Грузинской советской милиции (1921-1937гг.) Тбилиси, 1977; Еропкии М.И.,



Полов Л.Л. Административно- правовая охрана общественного порядка. 1973; Серегин А.В. Административная ответственность за нарушение общественного порядка. М., 1968; Струмилин С.Г. Из пережитого. М.; Госполитиздат, 1957. С.280; Юридик энциклопедия/ Ю.ф.д.проф. У.Таджихановнинг умумий тарихида. Т.2001. 656-б; Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т.2001. 460-б.

7. Қ.Қодиров Мустақиллик даврида Ўз.ИИИ фаолияти тарихи. Б.13

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомости 1990 й. № 31-33, 355-м. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 1995, № 6, 121-м.

9. Каримов И.А. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т-11. - Т.: “Ўзбекистон”, 2003. – Б.4.

10. Азизхўжаев А. Давлатчилик ва маънавият. – Тошкент: “Шарқ”, 1997. – Б 82.

11. Каримов И.А. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар. Т., Ўзбекистон, 1992 йил. 12-б.

12. Алиев Б.С., Ҳошимов Т. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2006. – Б. 146.; Усмонов Қ. Ўзбекистон тарихи. – Т.: Илм-зиё нашриёт уйи, 2007. – Б.177.

13. Каримов И.А. Янгиликка интилиб яшаш-тараққиёт гарови// Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5.-Т.,1997.Б.352

14. МДА М-37 Р-1. й/ж 188; 22-в

15. Пулатов Ю.С. С чего начинается реформирование органов внутренних дел// Хуқуқ-Право-Law.2004. №4. С.80

16. Ходимларнинг ижтимоий ҳимояси– доимий эътиборда. ИИВ Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти ходими. Одилжон Ёқубов. Постда. 2023 йил 22 июнь.

17. 29.11.2017 й. ПҚ “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3413-сонли.